

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
28-mart
SHANBA
№ 25 (13886)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

АФҒОНИСТОНЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



▼ **Ҳамкорлик**

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Афғонистон Ишбилармонлар кенгаши аъзолари ҳамда афғонистонлик йирик тadbirkor Саид Муҳаммад Карим Ҳошимий бошлигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, худудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик нафақат савдо соҳасида, балки транспорт-логистика, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш ва фармацевтика йўналишларида ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Даставвал меҳмонларга 2025 йил якунига қўра, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси 1,68 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани, шундан 1,53 миллиард доллари экспорт, 144 миллион доллари эса импорт ҳиссасига тўғри келгани маълум қилинди. Шунингдек, мазкур кўрсаткичларни ўтган йилга нисбатан қарий 50 фоизга ошириш бўйича зарур чора-тadbirkorлар белгилаб олинган алоҳида таъкидланди.

Музокаралар давомида Афғонис-

тонда фаолият юритаётган йирик бизнес тузилмалар, жумладан, "Sayeed Karim Group of Companies" таркибига кирувчи саноат, логистика ва энергетика лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу гуруҳ томонидан нефтьгаз, тоғ-кон саноати, транспорт-логистика ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Томонлар тadbirkorлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, логистика занжирларини ривожлантириш ва савдо ҳажмини янада ошириш юзасидан келишувларга эришиш зарурлигини таъкидладилар.

Учрашув якунида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда худудлараро иқтисодий интеграцияни кучайтириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинди.

Ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент вилояти делегацияси Афғонистонга таклиф қилинди.

Ўз мухбиримиз

▼ **Кун тартиби**

"ЯШИЛ МАКОН" УЧУН ОММАВИЙ САФАРБАРЛИК

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раслигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири – "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсуми доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилиш таҳлилий-танқидий руҳда ўтиб, жойлардаги ишларнинг бугунги ҳолати чуқур кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, жорий йилда вилоятда кўкламги мавсум доирасида салкам 7 миллион туп атрофидида даррахт ва бута кўчатлари экиш режалаштирилган.

Бу, шубҳасиз, худудларда экологик муҳитни яхшилаш, аҳоли учун қўлай яшаш шароитларини яратиш ва яшил худудлар улушини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, йиғилишда фақат кўчат экиш эмас, балки уларни парваришлаш, ўз вақтида суғориш ва сақлаб қолиш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Экилган ҳар бир даррахтнинг соғлом ўсиши учун тизимли ёндашув талаб этилади. Кўчат экишдан осони йўқ, энг катта масала экилган кўчатларни сақлаб қолиш, пировард натижага эришиш, деб қайд этди йиғилиш раиси.

Дарҳақиқат, шу кунларда ҳароратнинг кескин кўтарилиб бораётгани баҳорги экиш ишларини ҳар қачонгидан тезкор ва самарали ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шунга қарамадан, айрим худудларда автомобиль йўллари ёқаларида, иҳота даррахтзорлари барпо этилиши лозим бўлган майдонларда, фермер хўжалиқлари ерларининг чет қисмларида ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари худудларида даррахт экишда сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда экология ва ўрмон хўжалиги мутахассислари билан ҳамкорликда худудларнинг иқлим шароити ва тупроқ унумдорлигини келиб чиққан ҳолда курғоқчиликка чидамли, маҳаллий шароитга мос даррахт кўчатларини экиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, яшил майдонларни суғориш тизимларини йўлга қўйиш, ирригация манбаларини ташкил этиш, ҳар бир кўчат экилган майдон учун алоҳида ойлик оладиган масъулларни маҳаллий аҳоли вакиллари билан белгилаш бўйича аниқ механизмлар кўрсатиб берилди.

Бундан ташқари, йиғилишда аҳоли томорчаларидан самарали фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, баҳор фаслида ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, мўл ва бозорбop ҳосил берадиган экинларни экиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ниҳол экиш ва уруғ қадаш учун ниҳоятда санокли мuddатимиз қолди. Бу ишлар тахминан 20 кун давом этади.

Вилоят раҳбари юртимиз ободлиги, табиат мусофқолиги ва аҳоли фаровонлиги учун барчани фаолликка чақириб, оқдимизда турган масъулиятли мавсумни ушшоқлик билан ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда, жорий йилнинг 15 апрелига қадар вилоят худудида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича кенг қўламли сафарбарлик акцияси эълон қилинди. Барча ишлар махсус штаблар орқали мувофиқлаштирилиб, кўнлик таҳлил қилиб бориладиган самарали назорат тизими йўлга қўйилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Вилоят бо'йлаб

Viloyatda yoshlarni qo'llab-quvvatlash, ularning ijtimoiy faolligini oshirish hamda inklyuziv muhitni kengaytirishga qaratilgan "VoicyeUp – 2026" inklyuziv yoshlar oromgohining hududiy bosqichiga rasman start berildi. Ishtirokchilar YUQORI CHIRCHIQ tumanidagi "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazida aholi uchun yo'lga qo'yilgan xizmatlar bilan yaqindan tanishib, ushbu yo'nalishda tashkil etilgan seminarida ishtirok etishdi.

Vatan oldidagi xizmatini sharaf bilan o'tab qaytgan bir guruh viloyatimiz o'g'lonlari Toshkent temir yo'l vokzalida tantanali kutib olindi va yashash manzillariga kuzatildi. Tadbirida yurt himoyasi har bir yigit uchun yuksak sharaf va muqaddas burch ekani alohida ta'kidlanib, xizmatni sidqidildan ado etgan yoshlarga minnatdorlik bildirildi.

Aholiga qulaylik yaratish maqsadida NURAFSHON shahrini boshqa hududlar bilan bog'lovchi yangi avtobus yo'nalishlari bosqichma-bosqich yo'lga qo'yilmoqda. Jumladan, "Nurafshon – Tuyabo'g'iz qo'rg'oni (O'rta Chirchiq t.)" yo'nalishida ham yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish boshlandi. Avtobuslar aholiga qulay, xavfsiz va hamyonbop narxlarda xizmat ko'rsatmoqda.

BEKOBOD shahri va tumanida "Rahbar va yoshlar uchrashuvi" tashkil etildi. Muloqotda yoshlar bandligini ta'minlash, ularni kasb-hunarga yo'naltirish, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash hamda jamiyat hayotiga faol jalb etish masalalari atroflicha muhokama qilindi. Har bir murojaat e'tibor bilan tinglanib, mas'ullar tomonidan yoshlarga aniq tushuntirish va amaliy yo'nalishlar berildi. Uchrashuv yakunida 16 yoshga to'lgan yigit-qizlarga fuqarolik pasportlari tantanali ravishda topshirildi.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ТУҲФА



▼ **Эътибор**

Қибрай туманидаги азим Бўзуев каналининг сўлим соҳилида муҳташам Нуронийлар маскани фойдаланишга топширилди.



▼ **Бунёдкорлик**

Замонавий инфратузилма – фаровон ҳаёт рамзи

Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида янги-янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.



Хусусан, ЎРТА ЧИРЧИҚ туманида ҳам 4 та янги иншоот фаолияти йўлга қўйилди. Туманининг "Файзобод" маҳалласидаги абгор аҳволда бўлган 33-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти тўлиқ реконструкция қилинди. Эндиликда замонавий кўриниш касб этган боғчада "Файзобод", "Қорасув", "Тинчлик" ва "Роватак" маҳаллаларидан 180 нафар бола таълим-тарбия олади. Шунингдек, "Уйгур" маҳалласи учун туман ҳокимлиги ва ҳомийларнинг кўмағида янги бино қуриб берилди.

Бундан ташқари, мазкур маҳалла кексаларига хизмат қиладиган замонавий "Нуронийлар маскани" ҳамда маҳалла ёшлари учун мини-футбол майдони ҳам фойдаланишга топширилди.

ЧИРЧИҚ шаҳрида "Кимёгар МСК-2" маҳалла сервис компанияси фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур компания аҳолига 23 турдаги пуллик хизмат кўрсатиш, худудни ободонлаштириш, тозалани таъминлаш, уй-жой фондига хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Қолаверса, шаҳарнинг "Турон" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Мазкур бино маҳалла аҳолисига янада қўлай хизмат кўрсатиш, фуқаролар муурожаатларини тезкор ва самарали кўриб чиқиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қиладди.



ЙИГИРМА ИККИНЧИ ТУХФА



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда туман фаоллари, нурунийлар ва ёшлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик вакил- (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лари иштирок этишди.

Маскан тўлиқ хомийлик асосида қайта бунёд этилиб, нурунийлар учун барча шарт-шароитларга эга муаззам манзилга айланди.

Хусусан, тренажёр зали, кутубхона, маърифат хонаси, ошхона, "Бувижонлар мактаби" ва маслаҳат-анжуманлар зали кексалар ихтиёрига топширилди.

Шунингдек, "Нуруний" жамғармасининг туман бўлими бошқаруви ҳам айнан шу мажмуага жойлаштирилди.

Айни пайтда вилоятнинг 22 та ҳудудидан мана шундай Нурунийлар маскани фаолият юритмоқда.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўткир ХОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
опа суратлар



Ижтимоий кўмак

ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўртағинда маҳалла институти жамият тараққийотининг муҳим бўғини сифатида тобора мустақамланиб бормоқда. Айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш ва инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугун маҳаллалар обод бўлиш билан бирга, унда яшайдиган инсонлар қалбида меҳр-оқибат, эътибор ва ғамхўрлик туйғулари янада мустақамланмоқда.

Олмалиқ шаҳридаги "Кимёгар" маҳалласида амалга оширилаётган манзилли ижтимоий хизматлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур маҳаллада бугунги кунда 1 минг 680 та оила, 1 минг 449 та хонадон бўлиб, уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашув асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Маҳалламизда 70 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган, — дейди ижтимоий ходим Шохсанам Жумакулова. — Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш ҳамда жамият ҳаётига фаол жалб этишда тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, маҳаллада ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни самарали ҳал этиш мақсадида комплекс ижтимоий хизмат кўрсатиш жорий этилган. Бу тизим орқали ҳар бир муурожаат эътибор билан ўрганилиб, манзилли ёрдам чоралари қўрилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида маҳаллада 450 дан ортиқ муурожаат қабул қилиниб, уларнинг 95 фоиздан зиёди ижтимоий ҳал этилди.

Жумладан, шу маҳаллалик Муҳаббат Йўлдошева 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахс сифатида реестрга киритилиб, ёлғиз она сифатида алоҳида эътиборга олинди. Ижтимоий ходимлар томонидан унинг шароити ўрганилиб, унга бир марталик ва 12 ойлик моддий ёрдам тайинланди. Шунингдек, "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали дори-дармон ва кийим-кечак маҳсулотлари етказиб берилди ҳамда соғлигини тиклаши учун санаторийга

йўлланма олишга навбатга қўйилди.

Унинг фарзанди Висола Ҳамидова ҳам маҳалла эътиборидан четда қолмади. У математика фанидан тўғараққа ҳамда инглиз тили кўрсаткичи имтиёзга асосда жалб этилди.

Шунингдек, мазкур маҳалла кўрсатиш йўлга қўйилган.



Замонавий инфратузилма — фаровон ҳаёт рамзи

* **ЎҚОРИ ЧИРЧИҚ** тумани марказида фойдаланишга топширилган "Маънавият хибони" аҳоли учун миллий қадриятлар ва эзгу анъаналарни улуғлашга хизмат қиладиган марказга айланиши шубҳасиз.

* **ҚУЙИ ЧИРЧИҚ** туманининг "Галаботир" маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида худуд инфратузилмаси тубдан ўзгарди. Янги барпо этилган маҳалла гузаридида шахмат-шашка, инглиз тили ва ахборот технологиялари тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, болалар учун замонавий майдонча қурилиб, хавфсиз қопламалар билан жиҳозланди. Айниқса, ёпиқ футбол ва workout спорт майдончалари аҳоли ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этди.

* **ПАРКЕНТ** туманидаги "Истиқбол" маҳалласи янги бинога эга бўлди. Бино маҳалла етилиги фаолиятини янада самарали тайёрланади, балки устоз-шогирд анъанаси асосида ёшларга касб-ҳунар ҳам ўргатилади.

— Маҳалламиздаги 4 минг 570 нафар аҳолининг 2 минг 300 нафари хотин-қизлардир, — дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Юлдуз Олимова. — Бу кўрсаткич аҳоли орасида аёллар улшининг анча юқори эканини кўрсатади. Шу боис, маҳалламизда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ҳунармандчиликка ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида бир нечта ишлаб чиқариш цехлари ташкил этмоқдамиз. Бу лойиҳалар аёлларимизга ўз қобилияти ва салоҳиятларини ривожлантириш имконини бермоқда.

* **ТОШКЕНТ** туманининг "Қирариқ" маҳалласида ҳам Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, СТИ-4 сув иншооти, 25-давлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Бу масканлар аҳолига қулайлик яратиш билан бирга аёллар бандлигини таъминлаш, ёш авлодни тарбиялаш ва ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

* Айниқса, "Тошкент вилояти сув таъминоти" **АЖНИНГ** туман филиалига қарашли СТИ-4 сув иншоотининг ишга туширилиши худуд аҳолиси учун муҳим воқеа бўлди. Мазкур иншоот замонавий таълаблар асосида барпо этилиб, аҳолини сифатли ва узлуқсиз ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Зухриддин РАҲМОНОВ тайёрлади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Яхши хабар Бўлғуси ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

Бўстонликда Акбар Жўраев номидаги замонавий спорт мактаби очилди

Тошкент вилоятида спорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараси ўлароқ яна бир замонавий спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Бўстонлик туманининг "Кичик сой" маҳалла фуқаролар йиғи-



Спорт вазири Адҳам Икрамов, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, Миллий Олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Отабек Умаров, спорт фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Иншоот Республика касабаяушмалари федерацияси томонидан 25 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган спорт мактаби 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ёш спортчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Хусусан, мажмуа худудида қўлай ётоқхона ва ошхона, мини стадион, сауна, замонавий жиҳозланган оғир атлетика зали, ўқув хоналари, ёпиқ турдаги бассейн, шунингдек, мураббийлар учун алоҳида хизмат хоналари мавжуд.

Акбар Жўраев номи билан аталган спорт мактабининг очилиши рамзи маънога эга. Чунки у ўзининг матонати, куч-ғайрати

ва юқсак натижалари билан нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон спорти тарихида муносиб ўрин эгаллаган спортчи ҳисобланади. Унинг номи билан аталган мактаб ёшлар учун катта мотивация берадиган, ҳақиқий чемпионлар етишиб чиқадиган маскан бўлиши шубҳасиз.

Ушбу мактаб ёшларни спортга кенг жалб этиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни профессионал даражада тайёрлаш ҳамда юртимиз спорти шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган янги чемпионларни тарбиялашда муҳим ўрин туттади.

Энг муҳими, бундай замонавий спорт иншоотлари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу боис, ушбу спорт мактабининг иш бошлаши нафақат Бўстонлик тумани, балки Тошкент вилояти спорт ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Ўз мухбиримиз



нида барпо этилган, Олимпиада чемпиони, уч карра жаҳон чемпиони ва жаҳон рекордчиси Акбар Жўраев номи билан аталган спорт мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили Одил Абдурахмонов, Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов,

"Тошкент ҳақиқати" йўқлови



Бизнинг ўсмирлик давримизда (ҳозирги кундаги қўлайликларга нисбатан айтганда) ёзган мақоланингизни бирор тахририятдаги адабий ходимга ижтимоий тармоқ орқали бир сонияда етказиб, ундан сўнг қўнғироқ орқали эллик тўққиз сония мулоқот мобайнида маълум қила олмадингиз. Тўғри, электрон почта ё факс орқали бунинг иложини қилиш мумкин эди. Аммо ўн етти яшар йилгича ёзган хом-хатала матни ким ҳам кунт қилиб республика газетаси савиясидаги вилоят

нашрига жўнаттириб берарди?. Ёш йилгит-қизлар учун матбуотчиликка ҳавас ўлароқ ёзилган мақолани етказишнинг икки йўли бор эди: ё почта орқали конвертда етказасан, ё ўзинг бориб, тахририятга топширасан.

Мен учун почтадан мақола юбориш қўлай ва мақбул, ҳам ҳамёнбоп эди. Бироқ конвертдаги номалар ҳақ деганда газета юзини кўравермасди-да. Шуни ўйлаб тахририятга ўзим борадиган бўлдим. Сўрай-сўрай "Тошкент ҳақиқати" газетасининг

охирги саҳифасида кўрсатилган манзил — Матбуотчилар кўчаси 32-уйни ҳам топиб келдим. Дастлаб олтинчи қаватга, у ердан тахририятнинг маънавият бўлимига йўналдим. Эшикни тақиллатиб, ичкарига кирганимда мени бир опа илиқ қутиб олди. Бу — Сайёра Рихсиева эди.

Сайёра опа ўтиришга таклиф қилиб, қандай мақолалар олиб келганимни сўради. Мулоқот давомида журналист опа китобхонлик бобидаги савиям, ўқиман лозим бўлган адабиётлар ва вилоятимиз ижод-

корлари ҳақида илиқ фикрларни ҳам айтиб ўтди. Бу ғамхўрлик менга ёқимли ҳис уйғотди. Ахир, биринчи марта кўриб турган кишига ҳар ким ҳам бундай муносабатда бўлмайдими-да?!

Мақолам остидаги исм-фамилиямни ўқиган Сайёра опа менга қайта разм солди ва нимадир ёдига тушгандек, чехраси ёришди...

— Газетамизнинг бугунги сони, — деди ҳали сиёҳи қурмаган газетани узиб.

Унда "Тошкент ҳақиқати" да чоп

этилган илк мақолам 1-саҳифада босилган эди. Ушанда жуда ҳаяжонланган эдим. Мен шу газетадан бир донга сўрашга журъат қила олмай турганимда, Сайёра опа икитасини қўлимга тутқазган эди.

Сўнг шу кунгача юборган мақолаларим билан танишлигим, ёзганларим пухта бўлмаса-да, самимий эканлиги тўғрисида фикрларини билдириб, йўл-йўриқ кўрсатди.

Орадан қарийб ўн йил ўтди. Қанча ёмғирлар ёғиб, қанча қорлар эрмади, дейсиз. Биз ҳам, атрофимиздаги одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам ўзгарди. Сайёра опа эса ҳамон қўлёмаларимизни тахрир қилар, камчиликларини кўнглимизни оғритмай тушунтирар, қўйингки, бир устоз журналист бир ҳаваскор қаламқаш учун қандай кўмак бера олса, барчасини беминнат адо этарди.

Шу жараёнда бир муддат устозимизни йўқотиб қўйдик. Ана шундай кунларнинг бирида "Ёш куч" журналининг тахририятда ўтаётган хунарамандлар кўргазмасида ёш ўймакор устадан интервью олаётган аёлга кўзим тушди. Синчиқлаб қарасам — устозимиз Сайёра Рихсиева экан. Шу-шу опа билан алоқаларни қайта тикладик, устоз-шогирдлик муносабатларимиз она-болалик касб эта бошлади,

оилавий борди-келдилар қилдик. Сайёра опанинг хоҳ Ангренади, хоҳ Тошкентдаги хонадонларнинг эшиги биз — шогирдлар учун ҳаммиса очик.

Асримизнинг биринчи ўн беш йиллигида чоп этилган "Тошкент ҳақиқати" газетасининг сонларини кузатган газетхон ё матбуот назарийчисининг кўзи мақолалар остидаги "Сайёра Рихсиева" ва "Сайёра Эшматова" деган имзоларга тушади. Табиийки, каминанинг ҳам. Бир гал ҳайрон бўлиб "Сайёра опа, газетда икита Сайёра опа ишлар экан, Эшматова билан ҳам таништириб қўйинг", деганман. Устозимиз эса табассум билан вақт-соати келганида таништиришини айтганди. Кейинчалик маълум бўлишича, "Сайёра Эшматова" Сайёра Рихсиеванинг мухбирлик тахаллуси экан. Ҳафтада икки марта босмадан чиқадиган газетда тўрттала мақола ёзилган журналистлар тахаллусдан фойдаланиши табиий.

Сайёра опа оилада бахтли турмуш ўртоқ, бахтли она, бахтли бувижон. Ҳозирда улар турмуш ўртоқлари билан фарзандлари, набира-эваралари ардоғида умргузаронлик қилишмоқда.

Шу кунларда Сайёра Рихсиева кўп ўшларини нишонламоқдалар. Фурсатдан фойдаланиб, устозимизга шогирдлари номидан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Отабек ИСМОИЛОВ,
"Машъал" газетаси бош мухаррири

▼ Ижодкор ён дафтарида

ТЎРГАЙ – тонг қуши. Тўрғай – сахар шомоли билан бирга уйғонади. Сахармардонда чирқиллаб-чинқириб куйлайдиган миттигина қуш. Мумтоз адабиётда “муллатўрғай”, “сўфитўрғай”, “бўзтўрғай”, “тўрғай” иборалари кўп учрайди. Уни кўриш ҳар доим ҳам осон эмас: осмону фалакларда чарх уриб, қанот ёзганча баланд овозда куйлайди. Унинг овозида даштнинг бепоёнлиги, ҳурлик тантанана-

си ва недир шодлигу қайғу аралаш нола бор. Сиз тўрғайни деярли кўрмайсиз, аммо бир текис чирқиллаб-чинқириб куйлаётган овозини эшитасиз. Тўрғай адабиётда эркинлик ва юксалиш тимсоли ҳисобланади. Шарқ шеъротида булбул ишқни қандай куйласа, жаҳон адабиётини тўрғай шундай илҳом ва эркин руҳни тараннум этади.

Тонгтарда айтилган кўшиқ

Ёхуд Фозил Йўлдошнинг оққўрғонлик шогирдлари



МУЛЛАТЎРГАЙ – ИНТИЗОРЛИК РАМЗИ

Ўзбекистон халқ бахшиши Шомурод бахши Маҳманов куйлаган машҳур “Бийигул” айтимда шундай мисралар бор:

*Муллатўрғай неча-неча сайради,
Отамдан-а бирон дарак бўлмади.
Энам қуруқ сочин ёйиб жилайди,
Жилама, эзнажон, жилама,
Ота-ё, буюжим-о, норим-о,
Келагане соғиндик...*

Кўринадик, бу ўринда муллатўрғай интизорлик ва соғинч рамзи сифатида ишлатилган. Умуман, бу образ мумтоз адабиётда эмас, кўпроқ халқ оғзаки ижодида учрайди. Масалан, Ф.Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарига қуш яратганга зикр айтаётган сўфийларга менгзатилади. Шундан буён тўрғайларга нисбатан муллатўрғай, сўфитўрғай ибораси ишлатиб келинган бўлиши мумкин. Хўвайдо газалида келадиган “Арзимин айтодим, боди сабога” мисраларида ҳам тўрғайга ишора бор. Тонг шомоли ошқининг изхорини маъшўққа етказишни сўраган бу мисраларда, элчи – хабар ташувчи тўрғайдир, эҳтилол.

“САЙРАБ КЕЛАДИ ТЎРГАЙ...”

Бу сатрлар билан куйланган кўшиқ уч-тўрт йиллар олдин машҳур бўлиб, давраларда айлана бошлади. “Лим-лим томоша” деб номланган кўшиқ Тошкент вилоятида янги овоз ва оҳанг бўлиб жаранглади. Кейинроқ жамоа шу кўшиқ билан 2023–2025 йиллар оралиғида турли танловларда ғолиб бўлди.

Шундай қилиб, гап Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Маданият бўлими қошидаги машҳур “Тўрғай” фольклор-этнографик халқ ансамблининг фаолияти тўғрисида.

Жорий йил Наврўз байрамига бағишланган “Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилган Республиканинг асосий байрамида “Тўрғай” фольклор-этнографик халқ ансамбли “Кўпкари” халқ термаси билан иштирок этди. Уларнинг чиқиши гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди. Жамоа шу йилгини ҳам кўшиб ҳисоблаганда жами 8

маротаба асосий байрам тантаналарида иштирок этгани – унинг республика миқёсидаги энг дондир фольклор жамоалардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Сайроқи овози, шўх сози билан Ўзбекистонни мафтун қилиб келаётган “Тўрғай” қандай жамоа ўзи?

БОЙСУНЛИК ОИЛА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОҚҚЎРҒОНГА КЕЛИБ ҚОЛДИ?

Ҳаммаси 1920-йиллардан бошланган. Замон оғир бўлиб, бой-бадавлат кишилар тазийққа учрай бошлади, бор-будини қолхозга топширган Жўра полвон барибир советлардан қутула олмаслигини сезиб, Самарқандга кўчиб қолди.

Жўра полвон оиласи билан жонанжон Бойсун-Қўнғиротдан Самарқанднинг Булунғур туманига кўчиб келган, дастлаб анча қийинчиликларга учрайди. Булунғурнинг Тўшқуқ, Бедана номли қишлоқларида улар 20 йилдан зиёд тинч-тотув, ўртамайна ҳаёт кечирадилар.

Бу орада Иккинчи жаҳон урушидан сўнг СССР кўрик ерларни ўзлаштиришга катта эътибор қарата бошлади. Хусусан, ҳудуди ҳозирги Тошкент ва Сирдарё вилоятида бўлган Далварзин (қисман) чўли ва Мирзачўлни ўзлаштиришга катта куч ташланади. Чўлқуварларга давлат томонидан мўайян имтиёз ва моддий кўмаклар ажратилган. Айни мана шу омил сабаб Жўра полвоннинг 4 нафар ўғли 1946 йилда ҳозирги Оққўрғон туманининг Самарқанд қишлоғи ҳудудига ўрнашади.

Бойсун-Қўнғиротнинг 4 йигити чўлқуварлик баробарида элда обрў топишади, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлаб бошлашади. Бу орада чўл бўстонга айланади, буларнинг яхши яшаётганини кўриб бошқа қариндошлар ҳам Булунғурдан Оққўрғонга кўчиб келишади ва бу жамоат бориб-бориб кенгайиб-кўпайиб самарқандликлар қишлоғи, Самарқанд қишлоғи деб ном олади. Бу жой бугун Оққўрғон тумани “Зарбдор” МФЙ ҳисобланади.

радилар. Қисқаси, бойсунлик Жўра полвоннинг набираси, булунғурлик Қурбон чопағоннинг ўғли оққўрғонлик Эргаш муаллим 1989 йили “Тўрғай” этнографик ансамблига асос солди.

ПАРВОЗ ЙИЛЛАРИ

2015 йилда Эргаш Қурбонов, 2022 йилда эса аёли Маърифат Қурбонова вафот этишди. Лойиҳа асосчилари дунёдан ўтган йиллар “Тўрғай” учун синови давр бўлди. Аммо жамоа синовларда синмади, аксинча, тобланиди. Шу пайтдан бошлаб ансамблга Эргаш бахшининг ўғли Алишер Қурбонов бадий раҳбарлик қилди ва отаси бошланган ишни муносиб давом эттирди.

Аслида “Тўрғай” номи жамоага 1991 йилда берилган бўлса-да, унинг ҳақиқий парвози айнан кейинги йилларга тўри келади. Фольклоршунос олим, профессор С. Йўлдошева тавсиялари асосида



БУЛУНҒУРДА ТУҒИЛГАН ОҚҚЎРҒОНЛИК ҚУРБОН БАХШИ

Шундай қилиб Бойсун-Қўнғирот элидан бўлган Жўра полвоннинг ўғли Қурбон Булунғурда туғилди, булунғурлик бўлиб ўлгайди. Бахшилари сўзга чечан шоиру давраларда импровизацияга бой Булунғур достончилик мактаби ва унинг машҳур вакили Фозил Йўлдош ўғли дарров ҳаёлингизга келгандир.

Шу боис ҳам мазкур ҳикоямиз сабабчиси “Тўрғай” ансамбли Бойсун ва Булунғур достончилик мактабидан сув ичган турнакўз булоқлардай: уч бора юрт ўзгартирган кўнғирот йигит-қизлари ич-ичидан тўлиб-тошиб куйлайверади, йиллар ўтади, янги авлодлар етишиб чиқаверади.

Оққўрғонда айтганимиздек, Қурбон 1946 йили отасидан оқ фотиҳа олиб, Мирзачўлни ўзлаштиришга отланган ўз даврининг романтик ёшлари сафига кириб, Оққўрғонга кўчиб келади.

Бу пайтга келиб Қурбон қариб, эл орасида Қурбон чол, Қурбон бахши номини олган, у гоҳи-гоҳида ўзи каби юрт ўзгартирган ака-укалари, кўни-қўшнилари билан бирга бир Бойсуни, бир Булунғурни эслаб, ҳар замонда дoston айтиб турган, олисда қолган ота юртини ёд олган.

Шу тариқа Қурбон чолдан кейин Оққўрғондаги булунғурликлар достончиси бўлиб ўгли Эргаш бахши қолди. Эргаш мактабда математикадан дарс берган, унинг аёли Маърифат эса бошлангич таълим ўқитувчиси бўлган. Маърифат ая ёшлигидан ўлан, лапар ва халқ термалари айтишга қизиққанлиги учун эр-хотин маслаҳатлашиб, оилавий фольклор жамоа тузиб, ишни бошлаб юбо-

шакланган ансамбль йиллар давомида ўз репертуарини бойитиб, сахна маданиятини сайқаллаб борди.

“Тўрғай”нинг парвози оддий эмас – у босқичма-босқич, меҳнат ва изланишлар билан юксалди.

1994 ва 1999-йилларда республика кўрик-танловларида мутлақ ғолибликни қўлга киритган жамоа, кейинчалик халқаро майдонларга ҳам чиқа бошлади. Швейцария элчихонаси томонидан ўтказилган “Чарх” фестивали, Хитойдаги халқаро туризм фестивали, Жанубий Кореядаги “Буюк Ипак йўли давлатлари маданияти” анжумани – буларнинг барчасида “Тўрғай” ўзининг бетакрор дастурлари билан иштирок этди.

Айниқса, 2015 йил жамоа ҳаётида катта воқеа бўлди. Шу йили ансамблга “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилди. Бу нафақат эътироф, балки узоқ йиллик меҳнатнинг муносиб баҳоси эди.

Кейинги йилларда ҳам жамоа республика ва халқаро фестивалларда

мухтазам иштирок этиб келмоқда. Бухородаги “Ипак ва зирavorлар” фестивали, Шахрисабздаги Халқаро мақом анжумани, Термиздаги бахшичилик фестивали, Бойсундаги машҳур “Бойсун баҳори” – буларнинг барчасида “Тўрғай” ўзининг ранг-баранг чиқишлари билан томошабинлар эътиборини қозонди.

“ЁДГОР”НИНГ ТУҒИЛИШИ

Оққўрғон тумани маданият бўлими қошида 2017 йили “Тўрғай” негизда болалар фольклор-этнографик ансамбли “Ёдгор” дастаси тузилди. Шу йилларда мамлакатимизда ҳам ҳаёт мароми ўзгарган, юрда Янги Ўзбекистон шомоли кезар эди.

Бу ўзгариш ва эътибордан “Тўрғай” жамоаси ҳам баҳраманд бўлди. Кўп йиллик меҳнатлари инобатга олиниб, 2020 йили “Тўрғай” жамоасига вилоят ҳокимлиги томонидан автобус тақдим қилинди. Бундан ташқари, жамоа республика миқёсидаги асосий байрам томошаларига мунтазам таклиф этила бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда ёшлар билан учрашувидаги ташаббусига кўра, ҳар бир туман ҳокимлиги тавсияси асосида 5 нафар абитуриент маданият ва санъат соҳасига ўқишга қабул қилиниши белгиланди. Шу асосда Алишер Қурбоновнинг ёшлигидан “Тўрғай” таркибига тобланган қизлари – Хўснора ва Диёра Маданият ва санъат олийгоҳига ўқишга қабул қилинди.

Алишер ака шу қизлари билан ташкил қилган “Ёдгор” дастаси кейинчалик репертуарини кенгайтириб, туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларда чархланди. Дастага 2022 йили “Халқ жамоаси” унвони берилди.

Ана энди бир ёнда “Тўрғай”, бир ёнда “Ёдгор” халқ ансамбли қадим ва навқирон оҳангларда жўшиб куйлай бошлади. Демак, Жўра полвоннинг бешинчи авлоди бугун ижодни давом эттирмоқда.

БУГУНГИ ҚУНЛАР

Алишер Қурбонов 2022 йили Оққўрғон тумани тарих ва ўлкашунослик музейи директори вазифасига ишга тайинланди ва бадий раҳбарликни танкиқ маданият ходими Абдулла Сафаровга топширди.

Қайд этиш лозимки, бу жамоанинг қишлоқлари оддий нағма эмас – уларда халқ ҳаёти, урф-одат ва анъаналари сахнада жонланади. “Кўпкари” каби маросим композициялари орқали улар ўтмишни бугунга боғлаб, томошабинга тирик манзара тақдим этади.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда бутун дунё пандемия билан тўхтаб қолгандек бўлган бир пайтда ҳам “Тўрғай” ижоддан узилмади. Масофавий машғулотлар, янги дастурлар устида иш – булар жамоанинг санъатга бўлган садоқатини яна бир бор намоён қилди.

Бугун “Тўрғай”нинг репертуари кенг ва бой. Унда қадимий халқ кўшиқлари, лапар ва ўланлар, маросим сахналари – “Бўта солай”, “Йил боши”, “Бўзтўрғай”, “Кичкина бола”, “Бинафша”, “Қиз қувди”, “Лим-лим томоша” каби асарлар алоҳида ўрин тутади. Бу кўшиқлар орқали жамоа нафақат куйлайди, балки халқнинг хотирасини тирилтиради.

СЎНГСЎЗ

Сахнада қадим туркий оҳангларда куйлаётган “Тўрғай” шунчаки ўйноқи ва гоҳи мунгли ўланлар, достонлар ижроси эмас, бир оиланинг 100 йиллик тарихи ҳамдир. Олис 1920-йилларда Бойсунда, Жўра полвондан бошланган ҳикоя 2026 йилга келиб Оққўрғонда катта бир қишлоққа, ўнлаб сўлим қўшиққа, сахна узра томошабинларни сехрлайдиган музтар бир томошага айланди.

Бугун Оққўрғонда тулғар отади. Ўтган замонларда бир томони Далварзин, бир томони Мирзачўл бўлган манзиллар узра чарх уриб, баланд овозда минглаб тўрғайлар куйлайди. Улар зор ва хорликда ўтган йиллардан, нотекис йўллардан айтади, ўзини қарғаб лаҳадга кирган болалардан айтади.

*Кўлиб-кўлириб айтади, йўғлаб-йўғлатиб айтади.
Бу ўтти нолапарни бахшилар авлоди кўшиқ қилиб чарчамайди.*

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,
журналист**



**TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA**

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)
- Abdusamad NOSIROV
- Ummat MIRZAQULOV
- G’afurjon MUHAMEDOV
- Sayyora FAYZIYEVA
- Abduvosit ABDURAZZOQOV
- Mahmud TOIR
- Azamat MIRZAYEV
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Otabek SULTONBEKOV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Olimjon BEGALIYEV
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari, nashr uchun mas’ul:
Suhrobjon SADIROV
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Nabvatchi:
Zikrilla MUHAMMAD
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthqiqati@gmail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20.00.
Bosishga topshirildi – 20.40.
Nashr ko’rsatkichi – 205.
Buyurtma G-335.
8 383 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 18.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

▼ Табиат ва биз

Миллий боғ ҳудудига 1 минг 700 дан ортиқ ўсимлик турлари учрайди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган. Айниқса, ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароити лолаларнинг ўсиши учун ниҳоятда қўлайдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, боғда лоланинг Tulipa greigii, Tulipa kaufmanniana va Tulipa fosteriana каби Қизил китобга киритилган турлари мавжуд бўлиб, улар ўзининг гўзаллиги, ранг-баранглиги ва биологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, Грейг тури йирик ва ёрқин гуллари билан машҳур бўлса, Кауфман лоласи баҳорнинг илк кунларида очилиб, табиатга алоҳида жозиба бағишлайди. Фостер лоласи катталиги ва узоқ вақт сақланиши билан эътиборни тартади.

Ўзбекистон табиати ўзининг бетакрор гўзаллиги ва бой биохилма-хиллиги билан жаҳон миқёсида алоҳида ўрин тутади. Айниқса, тоғли ҳудудларда учрайдиган нодир ўсимликлар юртимизнинг энг қимматли табиий бойликлари саналади. Ана шундай ноёб масканлардан бири – Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бўлиб, у нафақат ҳайвонот дунёси, балки ўсимликлар, хусусан, ноёб лолалари билан ҳам танилган.

Нодир лолалар маскани

Лоланинг Tulipa turkestanica va Tulipa dubia каби камёб турлари эса нафақат эстетик, балки илмий ва экологик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар табиатдаги биологик мувозанатни сақлаш, шунингдек, янги декоратив навларни яратиш учун қимматли генетик манба вази фасини ўтайди.

Бироқ сўнгги йилларда бу ноёб бойликлар турли хавф-хатарларга дуч келмоқда. Назоратсиз гул териш, туризм маданиятининг етарли эмаслиги, ерларни ўзлаштириш ва иқлим ўзгариши каби омиллар лолаларнинг табиий ўсиш муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натига-

да айрим турлар сони йил сайин камайиб бормоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида миллий боғнинг муҳофаза ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, нодир ўсимликларни узиш қатъиян тақиқланиб, махсус кўриқлаш зоналари ташкил этилган, ҳудудда илмий мониторинг мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий боғ ходимлари томонидан аҳоли ўртасида экологик маданиятни ўстиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ҳам олиб борилмоқда. Оммавий аxbорот воситала-

ри, таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда фуқароларда табиатга нисбатан эҳтиёткор муносабат шакллантирилмоқда.

Сир эмас, Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи нафақат нодир лолаларни, балки бутун экотизимни асрашда стратегик аҳамиятга эга. Зеро, табиий бойликларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Нигора ЎРОБОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири**



▼ Премьерадан сўнг

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий кино санъати саройида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султоннинг "Бир кишилик авиаҳалоқат" номли ҳикояси асосида суратга олинган "Авиапарвознинг ягона қурбони" фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Фильм инсоннинг кўнгил олами, муҳаббат ва масъулият ҳақида чуқур фикрлашга чорлайди. У фақат учувчилар осмони ҳақида эмас – у ҳар биримизнинг қалб осмонимиз ҳақида.

Биз фильмининг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жаҳонгир ҚОСИМОВга бир неча саволлар билан муроса қилдик.

кат қилдик. Фильм продюсери Хуршид Ҳошимовга шу шартни қўйдик. У: "Бизда бундай шароит йўқ", деса ҳам, ортга чекинмадик. Негаки, "кинода йўқ" деган нарсанинг ўзи йўқ", деган ёзилмаган қонунлар ҳам бор-да!

Шундай қилиб, биз талаб қилган шароитни таъминлайдиган микрофонлар, овозқучайтиргичлар сотиб олинди ва зарур имконият яратилди. Чунки биз билган бирорта студияда бу тарзда овоз ёзишга мўлжалланган ускуналар йўқ экан. Камолитдин Тожидинов овоз режиссёри си-

Ҳикоянинг китобдаги номи – "Бир кишилик авиаҳалоқат". Фильмда у муаллиф ва картина муҳаррири Мурод Муҳаммад Дўстнинг таклифи билан "Авиапарвознинг ягона қурбони" деб ўзгартирилди. Бу асарда илоҳий туйғу бўлиши севгининг сирли, чигал ва мушкул савдолари бадиий теранлик билан тасвирланган. Яъни, ёш йигит-қиз ўртасидаги шунчаки романтик ҳиссиётлар эмас, балки уйланиб, бола-чақали бўлиб, оила ташвишлари билан банд бўлиб юрадиган, "оқ-қора"ни таниган

У ҳам ўз ролини қойил қилиб, ҳам партнёрини "тортиб кетгани" қандайдир маънода фильмининг ютуғи бўлди, десак, муболага бўлмади. Улуғ санъаткоримиз Шукур Бурҳонов сахнада ёнидаги актёрларга қандай куч ва илҳом бериши ўша артистлар Шукур акаси ўйнаган пайтларда қандай аҳволга тушиб қолишини кўрган-билган одамлар ҳалигача гапириб юришади. Демокримани, фильм муваффақиятида истеъдодли ва тажрибали партнёрнинг ўрни катта.

Иш жараёнида Юлдуз билан Садаф роли, унинг характери ҳақида кўп фикр алмашдик, баҳслашдик. Хўш, Садаф – ким ўзи? Нимага у ўзини айнан шундай тутди? Искандарни чиндан яхши кўрадимиз ёки йигитни шунчаки эрмак қилиб юрибдимиз?

Мана шундай мураккаб ижодий саволларга жавоб топиш, экранда қаҳрамонларнинг нозик ҳис-туйғуларини тўлақонли, ёрқин ва таъсирчан ранглар билан кўрсатиш учун жуда кўп изланишга, ҳаракат қилишга тўғри келди. Натижа қандай чиқди, билмадим, энди бу ёнига ҳолис ҳакам – томошабин.

диган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Карим Мирҳодиев ўз ролини юқори савияда ижро эта олди.

Бу фильмининг ҳам деярли тайёр, на-сиз этса, май ойида – Ўзбекистон фуқаро авиацияси кўнига бағишлаб, унинг премьерасини ўтказишни режа қилганмиз.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: аслида мукамал ёзилган асар – энг яхши кинофильмдир. Шу боис, ҳикояларни экранлаштиришда ижодий гуруҳ деярли қийналмади, нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам, барчамиз завқ-шавқ билан ишладик.

Бир пайтлар мен "Шайтанат"ни ўқиб, уни фильм қилсам, деган ниятда юрганам отам раҳматли: "Жаҳонгир, сен Тохир Маликнинг китобини кино қилмоқчимсан?" деб сўраб қолдилар. "Ҳаракат қиялман", десам, "Биласанми, бу роман ҳозир халқ орасида қўлма-қўл бўлиб ўқияпти, яна уни китобдагидек чиқара олмай, уялиб қолмагин", деган эдилар. Шу маънода, мен Хайридин Султоннинг ёзганларини ҳам экранлаштиришдан ҳайиқиброқ турман. Бундан анча йиллар аввал у кишининг "Ё, Жамшид!" деган машҳур бир ҳикояси асосида "Чангак" фильмининг суратга олинган бўлсам-да, кейин бошқа асарларига қўл уришга журъат қилмадим. Чунки китобхонлар бу адибнинг ижод намуналарини қизиқиб, қидириб ўқийди, муталоаа чоғида, аввало, ўз тасаввурда яратган қаҳрамонлар кўз ўнгида намоён бўлади. Кинони кўргандан кейин, "Э, расво қилиб қўйибди!" деган фикр одамларнинг хаёлига келмайдими, деган ҳадик, андиша менда кучли. Нега деганда, мукамал ёзилган асарнинг ўқувчиси – ўзи ўқиган китобнинг режиссёридир.

– Асарда Садаф образи жуда мураккаб – у кўнгил қўйган азиз инсоннинг оиласини сақлаб қолиш учун ўзини, таъбир жоиз бўлса, "қурбон" қилади. Бу образ томошабинлар, айниқса, ёшлар учун қандай фикр-ғояларни аниқлатади, нималардан огоҳ этади?

– Биласизми, муҳаббат деганлари ўзи ниҳоятда ғаройиб туйғу-да! Ахир, "Муҳаббатнинг кўзи кўр", деб бежиз айтмайдилар. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида Қайс – Мажнундан дўсту ёрлари: "Эй, сен нодон, нега шу қоп-қора қизини бунчалик яхши кўрасан?" деб сўраганлариди. Мажнун: "Сиз Лайлига меннинг кўзим билан қаранг", деб жавоб беради. Чиндан ҳам, муҳаббат, умуман, бу дунёнинг ишлари улуғ шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, "англаб бўлмас сир экан..."

Муҳаббат ва оила. Оила ва муҳаббат. Ақл ва кўнгил. Қай бири устун бўлиши керак? Қаерда биз ўз нафсимизни, қалб майларини тийишимиз лозим? Ору-ҳавас билан бурч ўртасида чегара бўлиши керакми? Ва бу чегара юракнинг қайси нуқтасидан, қандай из қолдириб ўтади?

Фильмда биз мана шу ечимни йўқ маънавий муаммоларни баҳоли кўрадиган акс эттиришга ҳаракат қилдик. Эсласангиз, иккинчи ҳикояда Шамшатовнинг бир гапи бор: "Осмон ҳаромини ҳам, ҳаромини ҳам кечирмайди..."

Ҳолисона айтганда, аёл қалбини тушуниш жуда қийин-да! Биз, эркаклар одатда тўппа-тўғри, жўн уйлаймиз. Яъни, йўқ, десак, демак, рад қилган бўламиз. Лекин аёлнинг "йўқ" дегани доимо ҳам "йўқ" эмас-да. Ёш аксинча, "ха" дегани ҳамини ҳам тасдиқ аломати эмас. Чунки унинг юрагидан нелар ўтаётганини ёлғиз ўзи ва Яратган парвардигор билади.

Биз фильмда мана шундай нозик масалаларни ҳам кўтаришга ҳаракат қилган эканмиз, бундан кўзланган ягона мақсад – аёл зотини тушуниш, уларнинг дарду дунёсини, ҳаёт фалсафасини аниқлаш, уларнинг нафақат сурати, балки, сиратини ҳам томошабинларга етказишдан иборат эди.

Тан олиш керак – бу ўта мураккаб иш-да! Масалан, Садаф Искандарни бор вужуди, бутун қалби билан яхши кўради. Унинг муҳаббати Искандарнинг севгисидан ҳам кучли, алангали. Чунки ёш ҳам, билим ва тажрибаси ҳам катта. Севгининг, ҳаётнинг нималигини яхши тушунади. Искандар иккаласи қадам қўйган қалтис йўлнинг оқибатини, унинг қандай тугашини ҳам аниқ тасаввур қилади. Аслида, муҳаббатнинг сир асорини эркакдан кўра аёл кўпроқ билади. Эркак кўзи билан, аёл кўли билан севади, дейдилар-ку! Кўлиги дегани – қалби билан дегани-да. Эркак зоти "кўзи билан севади", деймиз. Биласизми, биз бир чиройли қизни кўрсак, дарров кўнглимиз суст кетади. Аёллар эса ундай эмас. Уларни сезингиз ташқи кўринишинингиз, сумбатингиз у қадар қизиқтирмайдиган. Улар учун сезингиз юрагингиз, қалбингиз, дунёқарашингиз мўҳим.

Умуман, фильм ҳақида яна узоқ сўз юритиш мумкин. Лекин, уйлайманки, "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", деган гап айнан киносанъати ҳақида айтилган бўлса керак.

– Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат.

Сўхбатни "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Тўхтамурад ҲАСАНБОВЕВ ёзиб олди.

Жаҳонгир ҚОСИМОВ:

"МУКАММАЛ ЁЗИЛГАН КИТОБ – ЭНГ ЯХШИ КИНОФИЛЬМДИР"



фатида иш бошлади. У ҳам аввалига ҳайрон бўлиб: "Барибир буларни кейин қайта овозлаштириш керак-ку", деган фикрни билдирди. Мен бунга жавобан, келинлар, мана шу янги усулни синаб кўрайлик, астойдил ҳаракат қилсак, албатта, ижобий натижа бўлади, деб уларни кўндирдим.

Янгилик қиламиз, деб айтиш осон-у, аммо уни амалда бажариш қийин бўлар экан. Бунинг учун, аввало, барча актёрлар матнни тўлиқ ва бехато ёдлаши, чуқур ўзлаштириб олиши зарур эди. Шунинг учун улар билан дастлаб катта сахна олдига такрор ва такрор, баъзи лавҳаларни эса ҳатто ўн-ўн беш марталаб репетиция қилишга тўғри келди. Очiq айтиш керак – бундай иш режимида ҳамма ҳам дош беролмайди. Аввало, актёрларнинг бунга вақти етмайди. Вақти етсаям, ҳафсаласи ва тоқати етмайди.

Лекин биз қароримизда қатъий турдик. Ҳамма қийинчиликларга чидаб, сабр-тоқат, масъулият билан ишладик. Пировард натижа ёмон бўлмади. Кинодаги жонли овоз худди концертдаги жонли ижро каби ўз мевасини берар экан. Ҳозирги кунда жаҳон кинематографиясининг энг зўр асарларини кўрсангиз, уларнинг барчаси жонли овозда ёзиб олинганга гувоҳ бўласиз.

– Кунни кеча премьераси бўлиб ўтган фильмда учувчилик касби, само шунқорларнинг ҳаёти орқали муҳаббат ва бурч, эркинлик ва масъулият ҳақида баҳс юритилди. Сизнингча, инсонни "ётинчи осмон"га кўтарадиган ишқ-муҳаббат қайсибир нуқтада уни ҳалоқатга олиб келиши ҳам мумкинми?

– Бу кинокартина кўхна ва ҳамини янги мавзу – муҳаббат ҳақида. Очиги, мен шу пайтгача бу йўналишда умуман кино олмаган эдим. Ҳатто, қачондир шу тўғрида фильм яратишни уйлаб ҳам кўрмаган эдим. Бунинг сабаби – Ромео ва Жульеттанинг қайгули ишқ қиссасидан кейин муҳаббат ҳақида яна қандай янги гап айти олиш мумкин, деб ҳисоблар эдим.

инсонлар қалбидидаги биринчи муҳаббатнинг қайта тўғён уриши... Ва бу севгининг чин ёки сохта эканини сийновдан ўтказувчи турли-туман, баъзан эса ўта зиддиятчи ҳолатлар...

Садаф Искандарни шунчалик яхши кўрадими, шу муҳаббати деб, ҳатто ўзининг оташин туйғуларидан воз кечиб, севгилисини оиласига, фарзандига қайтаришга уринади. **"Бахтли бўлиш учун бировни бахтсиз қилиш мумкин эмас"**, деган гапни эшитгансиз, албатта. Фильминимизда мана шу ҳаётий фалсафа ўзига хос талқин этилган – фақат сал бошқача роқ йўсинда. Шахсан ўзим шу пайтгача ўзбек киносида муҳаббат мавзуси бу тариқа акс эттирилган фильмни кўрмаганман. Шу боис китобни ўқиганимда ушбу ҳикоя мени жуда тўлқинлантирди ва шу мавзуга қўл урдим. Сабаби – такрор айтман, асарнинг ҳар жиҳатдан мукамал ёзилганида. Қаҳрамонлар характери ҳам ниҳоятда ишонарли, табиий очиб берилган. Искандар ва Садаф ҳам, иккинчи фильмдаги Шамшатов образи ҳам. Персонажларнинг гап-сўзлари, уларнинг бир-бирига муносабати, руҳият тахлиллари, қўйилмаган бадиий ечимлар... Бирор жойда ортиқча сўз ёки ҳаракат, сунъийлик умуман йўқ! Эътибор берсангиз, актёрлар талқинида ҳам барча ҳиссиёт ва кечинмалар уларнинг юрак-юрагидан отилиб чиқаётгандек туюлади.

Ижрочилар ҳақида гапирадиган бўлсак, режамга кўра, Искандар ролига дастлаб бошқа бир актёр кўзда тутилган эди. Лекин ижодий танлов чоғида Мердан Матвелиев деган, деярли танилмаган ёш бир йигит ўз қобилиятини яққол намоён этди. Сценарий муаллифи ҳам, Бадиий кенгаш ҳам шу номзодни маъқул топди. Ҳолбуки, унинг ижодий тажрибаси ниҳоятда кам эди. Шунинг учун кўнглимда бир хавотир бор эди – танлов-ку, майли, ўз йўлига, лекин бутун бошли бир фильмда бу актёрнинг ижроси қандай чиқаркин, деб ўйлардим.

Айни пайтда иккинчи бош қаҳрамон роли ижросини, таниқли актриса Юлдуз Ражабовадан бироз хотиржам эдим.



– Жаҳонгир ака, аввало сизни қутлуғ байрамлар – муборак Рамазон ҳайити ва Наврўз кунлари элимизга тақдим этган туҳфангиз – "Авиапарвознинг ягона қурбони" фильми премьераси билан табриклаймиз. Дастлабки савол: Хайридин Султоннинг "Осмони фалакларда" китоби чоп этилганга хали кўп бўлгани йўқ. Учувчилар ҳаётидан олинган уч ҳикоядан бирини бундай тез муддатда кино қилишга қандай улгурдингиз? Съемка жараёнидаги воқеалар, кадр ортидаги ютуқ ва қийинчиликлар, актёр танлашдаги тажрибалар, овоз ёзишдаги илгари қўлланилмаган янгиликлар хусусида гапириб берсангиз.

– Мен аслида бу китобнинг сигнал нусхасини ўқиб чиққан ва ўшандаёқ юрагим "жиз" этган эди. Чунки асар айни кинобоп қилиб ёзилган эди. Муаллифнинг ижозати билан, китобнинг "Ренессанс" киносаройида ўтказилган тақдирот маросими учун ўн минутлик кинолава суратга олиб, томошабинларга намойиш ҳам этган эдим. Орадан кўп ўтмай, бу ҳикоялар алоҳида тўппам бўлиб босилиб чиқди. Уша пайтда бошқа бир лойиҳа устида ишлаётган эдик. Ижодий гуруҳ аъзолари Хуршид Ҳошимов, Рустам Муродов, Акмал Саидовлар билан бирга "Осмони фалакларда"ни овоз чиқариб ўқидик ва унга бўлган қизиқишимиз янада ортди. Ҳамкасбларим, бу китобни кино қилсак, деган истак билдирди. Кейин мен шу таклиф билан муаллифга муроса қилдим. Хайридин ака: "Агар бу ишга китоб ўқийдиган, савияси балинд ижодкорларни жалб қила олсангиз, мен қарши эмасман", деб розилик билдирди. Ижодий жамоамизнинг мақсади "Ўзбекино" раҳбари Шухрат Ризаевга ҳам маъқул бўлди. Ёзувчимиз қисқа муддатда сценарийни тайёрлаб, студияга топширди. Сўнг уни бадиий кенгаш муҳокамасидан ўтказдик.

Одатда бундай жиддий фильмлар узоқ вақт – йиллаб суратга олинади. Баъзан зарур шароит бўлмайди, тайёргарлик, режиссёрлик даври, съёмка, монтаж, овозлаштириш, энг муҳими, молия масаласи муаммо бўлиб туради. Лекин бу сафар бахтимизга ҳомийлар ҳам тезгина топилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, "Sevimi" телеканали, Кинематография агентлиги, "Uzbekistan airways", "Uzbekistan airports" компаниялари моддий-молиявий ва ташкилий-амалий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиб беришди. Машҳур учувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Зархўжа Сайдазимов маслаҳатчи сифатида бизга яқиндан ёрдам кўрсатди. Фурсатдан фойдаланиб, ҳомий ташкилотлар ва маслаҳатчиларимизга миннатдорлик ихсоз этаман.

Шу тариқа съёмка ишларини бошлаб юбордик. Сценарий юқори профессионал даражада яратилгани учун, баъзи асарлар каби қайта ишлаш, қайсидир сахнани бошқатдан ёзиш ёки ҳикояни кино тили ва услубига мослаштириш сингари кўп жараёнлардан ҳоли эди. Эътироф этиш кераки, Хайридин Султоннинг асарларини ўқиган одам ўзича бир кино кўргандек бўлади-да! Шу боис ҳам суратга олиш ишлари узоққа чўзилмади.

Машҳур режиссёр К.Станиславскийнинг: "Тўғри танланган актёр – спектаклнинг эллик фоиз ютуғи", деган гапи бор. Агар сиз актёрни тўғри танлай олсангиз, у ишингизни анча енгиллаштиради. Бу – бир. Иккинчидан, съёмка жараёнида яна бир янгилик қўлладик – барча монолог ва диалогларни, ташқи шовқинларни жонли овоз билан ёзишга ҳара-

